



140800, Каттақўрғон ш, Амир Темур кўчаси, 4 уй
Тел.: (0366) 456-15-89., Факс., (0366) 456-10-01

140800, г. Каттакурган, улица Амира Темура, дом 4
Тел., (0366) 456-15-89., Факс., (0366) 456-10-01

2020 у.г. «16» ОКТОБР

№ 315-Қ

Каттақўрғон ш. – г. Каттакурган

**“Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамиятига Каттакўрғон шаҳар
“Қушховуз” МФЙ “Ингичка” кўчаси худудидаги кичик саноат зонаси худудидан
ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23-сентябрдаги “2020-2022 йилларда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 580-сонли қарори ва ушбу қарорнинг 2-илоvasи “2020-2021 йилларда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати”нинг 4-бандида “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамиятига саноат соҳасини ривожлантириш учун кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга рухсат бериш бўйича белгиланган бандини ижросини таъминлаш мақсадида, “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамияти раҳбари С.Мамадалиевнинг “Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги захира ерлари ҳисобидан кабел ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”ги хатини ва шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг хулосасини кўриб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамияти раҳбари С.Мамадалиевнинг “Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги захира ерлари ҳисобидан кабел ишлаб чиқариш лойиҳасининг амалга ошириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида”ги хатини ва шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг хулосаси тасдиқлансин ва “Қушховуз” МФЙ “Ингичка” кўчаси худудидаги кичик саноат зонаси худудидан 2,6 гектар ер майдони “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамиятига ажратиб берилсин.

2. “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамиятига:

-Шаҳар ҳокимлиги ва “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган “Тармоқ жадвали”да кўрсатилган босқичларда 10,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни белгиланган муддатларга қатъий риоя қилган ҳолда киритиш.

-инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш даврида ер участкасидан, шу жумладан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилгунга қадар бегоналштириш, гаровга қўйиш, юридик шахсларнинг устав фондларига киритиш ёки бошқача тарзда тасарруф этилишига йўл қўйилмаслик.

- Маҳаллий аҳоли учун доимий 350 та янги иш ўринлари яратиш;
- Мазкур ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланмаслик;
- Мазкур шартлар бажарилмаган ҳолатда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги Давлат ер захира фондига қайтариш ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши инobatга олинсин.

3. Шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ф.Ибрагимов)га шаҳар ҳокимлиги ҳамда “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамияти (С.Мамадалиев) ўртасидаги ер ҳужжатларини белгиланган тартибда қайта расмийлаштириш, ажратилган ер майдонини жойида ўлчаб бериш ва Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан ер участкасидан белгиланган мақсадларда фойдаланилмаган тақдирда, ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси топширилсин.

4. “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамияти (С.Мамадалиев) объект қурилиши учун лойиҳа ҳужжатларига буюртма бериш ва архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ) ҳужжатлари тайёрлангандан сўнг қурилиш ишларини бошлаш топширилсин.

Лойиҳа бўйича қурилиш ишлари замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. Шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими (Н.Хамрақулов)га “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамияти лойиҳа бўйича архитектура талаблари ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам бериш ва қурилишни лойиҳа асосида боришини назоратга олиш топширилсин.

6. Шаҳар электр тармоқлари (Б.Рустамов), “Сувоқова” ДУК (А.Мамедов), 4-сонли туманлараро ҳудудий газ таминоти участкаси Каттакўрғон шаҳар бўлими (Ш.Абдусаломов) ишлаб чиқариш лойиҳаси учун талаб этилган муҳандислик-коммуникация тармоқларига ўз вақтида техник шартлар бериш ва улашни таъминласин.

7. Шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Д.Ашуров)га ҳамда шаҳар статистика бўлими бошлиғи (М.Муминов)га “Cable trade - quvvat” масъулияти чекланган жамиятига ер майдони ажратилиши муносабати билан тегишли тартибда амалдаги қонунлар асосида солиқларни ундириш ва корхона фаолияти билан боғлиқ ишларни амалга ошириш топширилсин.

8. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (И.Маматов) лойиҳани тасдиқланган тармоқ жадвалига мувофиқ ўз вақтида амалга оширилиши ва олинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши бўйича тизимли мониторинг ўрнатсин ва зарур ҳолларда лойиҳа ташаббускорига амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Б.Сайипов, И.Маматов, Т.Ишбеков) зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими в.б

Г.Алимова

**Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгаллик қилишга,
фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш)
масалаларини кўриб чиқувчи комиссия**

ТАРКИБИ

1. Г.Алимова Шаҳар ҳокими в.б, комиссия раиси
2. Ф.Ибрагимов Самарқанд вилоят “Ермулккадастр” ДКнинг Каттакўрғон шаҳар бўлими
бошлиғи комиссия котиби

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ

- 3.Б.Сайипов Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари
4. Т.Ишбеков Шаҳар ҳокимининг ўринбосари
5. И.Маматов Шаҳар ҳокимининг ўринбосари
6. Н.Хамракулов Шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи 3
7. А.Алимов Шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи
8. И.Жумаев Шаҳар ДСЭНМ бош врач
9. Д.Ашуров Шаҳар (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи
10. Н.Шарипов Шаҳар ИИБ ЁХБ бошлиғи
11. Тегишлилиги
бўйича _____ МФЙ раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23-сентябрдаги “2020-2022 йилларда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 580-сонли қарори ва ушбу қарорнинг 2-илоvasи “2020-2021 йилларда Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати”нинг 4-бандида “Cable trade - qurvat” масъулияти чекланган жамиятига саноат соҳасини ривожлантириш учун кабель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга рухсат бериш бўйича белгиланган бандини ижросини таъминлаш мақсадида, “Қушховуз” МФЙ “Ингичка” кўчаси ҳудудидаги кичик саноат зонаси ҳудудидан 2,6 гектар ер майдони “Cable trade - qurvat” масъулияти чекланган жамиятига лойиҳа қиймати 10,0 млн. АҚШ доллари бўлган ҳамда 350 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган “Кабел ишлаб чиқариш” лойиҳасига ер майдони ажратилиши мумкин деган хулосага келинди.

ТАНЛАНГАН ЕР МАЙДОНИ ЧЕГАРАЛАРИ;

Шимолдан - _____ худуди билан
Жанубдан - _____ худуди билан
Шарқдан - _____ худуди билан
Ғарбдан - _____ худуди билан

Эслатма: Комиссия аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, ушбу лавозимга тайинланган раҳбар (ҳодим) комиссияга аъзо ҳисобланади. Танланган ер майдонларининг жойлашувига кўра, тегишли ҳудудлар ва иншоотларидан режим асосида фойдаланадиган ҳамда уларни эксплуатация қиладиган ташкилотлардан қўшимча келишув ва хулосалар олинади.

1	Г.Алимова		
2	Ф.Ибрагимов		
3	Б.Сайилов		
4	Т.Ишбеков		
5	И.Маматов		
6	Н.Хамракулов		
7	А.Алимов		
8	И.Жумаев		
9	Д.Ашуров		
10	Н.Шарипов	<p><i>ШНК қорғашы шартларига оид сан ва еркин масофасида соҳага оид</i></p>	
11			

